

ПСИХИКАНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА БЎЛГАН ЭКОПСИХОЛОГИК ЁНДАШУВНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

M.P.Акрамов

Ўзбекистон ҳалқаро ислом академияси

“Дин психологияси ва педагогика”

кафедраси катта ўқитувчиси (*PhD*)

АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада субъект ва муҳитнинг ўзаро таъсирлашии жараёни таҳлил қилинган. Шу билан бирга тирик организмларнинг атроф-муҳит билан ўзаро таъсирининг турли жиҳатлари “экологик фалсафа”, “экологик кимё”, “маданият экологияси”, “сиёсий экология” ва экопсихологиянинг бошқа соҳалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: экология, психология, экопсихология, экологик онг, атроф-муҳит, маданият экологияси, адаптация.

Маълумки, субъект ва муҳитнинг ўзаро таъсирини таҳлил қилиш учун инсоннинг табиий обьектлар билан ўзаро таъсирини ўрганиш доирасидаги асосий психологик йўналишларнинг бошланғич ҳолатини таҳлил қилиш зарур.

Э. Геккел томонидан XIX асрнинг ўрталарида “экология” атамасининг илмий фойдаланишга киритилганидан бери, ундан фойдаланиш биология чегараларидан ташқарига тарқалди. Тирик организмларнинг атроф-муҳит билан ўзаро таъсирининг турли жиҳатлари “экологик фалсафа”, “экологик кимё”, “маданият экологияси”, “сиёсий экология” ва фаннинг бошқа соҳалари, жумладан, психологиянинг предмети бўлиб қолди. В.И. Пановнинг таснифига кўра (2014), экологик психология қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

Психологик экология. Экопатоген омилларнинг болаларнинг психик ривожланиши ва ижтимоий-психологик мослашишига таъсирининг тадқиқотлари мисол бўла олади (Е.А. Василенко, 2010; И.Л. Морозова, 2015; J. Rotton, 1996; J. Simister, 2005; G. Winneke, M. Neuf, 1996; P. T. Wong, 1993). Бундай ёндашувда инсон атроф-муҳит томонидан таъсирни қабул қилувчи обьект вазифасини бажаради, яъни обьект-субъект ўзаро таъсирининг модели хақида гапиришимиз мумкин.

Атроф-муҳит психологияси, унинг предмети – индивиднинг атроф-муҳит билан муносабати, хамда муҳитнинг параметрлари ва инсоннинг психологик хусусиятлари ўртасидаги ўзаро таъсир. Атроф-муҳит билан ўзаро таъсирни ўрганиш бўйича ишлар қуйидаги йўналиш доирасидаги тадқиқотларга мисол

бўла олади (Altman I., 1975; R. Barker, 1968; T. Cassidy, 1997; K. Craic, 1968; R. Gifford, 2002, W.H. Ittelson, 1974; H. A. Murray., 1938; R. Sommer, 1968; D Stokols, 1982; A.W. Wicker, 1979), тиббий муассаса мұхитининг таҳлили (C. Andrade, M.L. Lima, F. Fornara, M. Bonaiuto, 2006, 2012; A.B. Arneill, A.S. Devlin 2002; F. Becker, S. Douglass, 2008; M. Mourshed, Y. Zhao, 2012; S.A. Shumaker, W.G. Pequegnat, 1989; H. Winkel, C. J. Holahan, 1985). Атроф-мұхит таъсири психологиясини ўрганиш, психологик экология каби, объект-субъект ўзаро таъсирига мос келади.

Глобал миқёсдаги антропоген экологик ўзгаришларнинг дикқат марказида бўлган глобал ўзгаришлар психологияси (И.В. Кряж, 2012; Атроф-мұхитдаги глобал ўзгаришларнинг психологик жиҳатлари, 1992). Бундай ҳолда атроф-мұхит инсоннинг таъсирини қабул қиласи, бу нарса ўзаро таъсирининг субъект-объект турини намойиш этади.

Ж. Гибсоннинг (1979) идрок этишга бўлган экологик ёндашуви қуйидагиларни назарда тутади: идрок этиш обьекти сифатида субъектга жисмоний дунё эмас, балки ҳаракат қилиш учун имкониятларни индивиднинг комплиментар эҳтиёжларини ўз ичига олган табиий мұхит. Субъект-объект ўзаро таъсирининг бундай вариантида, мұхит – идрок этиш обьекти сифатида организмнинг ҳаёт тарзи усулидан келиб чиқиб, субъект сифатида идрок этиш обьекти вазифасини бажаради.

Индивидуал ва грухга оид ҳодиса сифатида экологик онгни ўрганишга қаратилган экологик онг психологияси. Масалан, турли касб вакилларининг экологик онгни тадқиқ қилиш ўтказилган (В.В. Калита, 1996; В.А. Ясвин, 2000а; E. Sullivan, M. Taylor, 2004).

Экологик онгни тадқиқ қилишнинг мавжуд йўналишлари орасида энг кўп ишлаб чиқилган, методологик даражадан тренингга оид дастурларгача бўлган, С.Д. Дерябо ва В.А. Ясвиннинг (1996) табиатга бўлган субъектив муносабат диагностикаси асосида қурилган ёндашуви ҳисобланади. Экологик онгнинг тузилишини таърифлаб, муаллифлар ўз концепциясига унинг таркибий қисмларидан бири: табиатга субъектив муносабатни асос қилиб олган. Шундай қилиб, улар экологик онгнинг учта турини тасвирлаганлар: архаик, антропоцентрик ва экоцентрик.

Ушбу назариянинг мұхим хусусияти шундаки, муаллифлар табиат дунёси ҳақида ўзаро таъсирининг субъекти сифатида гапирғанларида, гап табиий обьектнинг ўзаро таъсир субъекти бўла олиш қобилияти унга юклатилғанлиги ҳақида кетади. Табиий обьектнинг субъект функцияларини бажариш қобилияти

билин юклатиш жараёни ва натижаси С.Д. Дерябонинг (2002) фикрига кўра, субъектификация деб аталади. Табиий обьектлар ва табиат дунёси субъект бўлиш қобилиятига, ўзида ривожланишнинг манбасига, яъни субстанционалликка эга эмас.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, табиат дунёсига муносабат гносеологик парадигма доирасида субъект-объект сифатида кўриб чиқилади. Табиат билим ва таъсир обьекти бўлиб қолади. Бироқ экологик онгнинг экоцентрик тури шуни назарда тутадики, табиат билан ўзаро муносабатлар коэволюцион характерда бўлиши керак, яъни инсон эволюцияси табиат дунёси эволюциясининг қонунларини хисобга олган ҳолда қурилади. Шунинг учун бу ҳолда ўзаро таъсир субъект-субъект бўлиб, табиатнинг субъектлиги унинг бошланғич субстанционаллиги сифатида қабул қилинмай, унинг ўзига тегишли бўлади.

REFERENCES

1. Акрамов М. Р. Психолого-педагогические особенности экологического образования //The Way of Science. – 2014. – С. 78.
2. Akramov M. R. Шахс касбий йўналганлиги ривожланишида масъулиятлиликнинг аҳамияти //Молодой ученый. – 2021. – №. 11. – С. 259-261.
3. Акрамов М. Р. Конфликт и его социально-психологические свойства //Молодой ученый. – 2021. – №. 6. – С. 293-295.
4. Акрамов М. Р. экологическое сознание как предмет психологического исследования //Научная платформа: дискуссия и полемика. – 2020. – С. 30-32.
5. Rustamovich A. M. The moral consciousness dynamics of students is the position in the process of high education //European journal of education and applied psychology. – 2016. – №. 1.
6. Arkamov M. R. the ethical awareness behavior of students during higher education (in the condition of uzbekistan) //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2016. – Т. 4. – №. 10.
7. Акрамов М. Р. проблемы изучения психологических особенностей развития экологического сознания по ва ясвину //science and world. – 2013. – с. 117.
8. Khamidovna K. Z. et al. Psychological Aspects Of The Development Of Ecological Ideas Among Students //Psychology and Education Journal. – 2021. – Т. 58. – №. 2. – С. 7812-7818.
9. Гайибова Н. А. ТЕХНОЛОГИЯ ВОСПИТАНИЯ ДЕТЕЙ С ДЕВИАНТНЫМ ПОВЕДЕНИЕМ //International scientific review. – 2020. – №. LXXIV.

-
10. Gayibova N. A. Influence of the sibling statuse's of teenagers on interpersonal relations //European Journal of Education and Applied Psychology. – 2016. – №. 2. – C. 68-69.
 11. Gayibova N. A. PSYCHOLOGICAL FEATURES OF THE FORMATION OF SIBLING RELATIONSHIPS IN ADOLESCENTS